

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич
Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси бошлиғи
Сафаров Эркин Насиллович
ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси

Аннотация: Мақолада тезкор-қидирув тадбири тушунчаси ва мазмунига соҳа олимларининг билдирга фикр ва мулоҳазалари ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган, шунингдек, тадқиқот натижалари ва амалий тажрибани таҳлил қилиш орқали тезкор-қидирув тадбирига хос белгилар кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Тезкор-қидирув тадбирлари, ошқора, ноошқора, усул, ваколат, субъект.

Бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги таҳдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, мақсадлари ўзгариб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, охириги йилларда мамлакатимизда жиноятларни барвақт олдини олиш, уларни фош этиш, шунингдек, жиноятчиликка қарши янада самарали курашиш тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди¹.

Жумладан, Тезкор-қидирув фаолияти (бундан буён матнда ТҚФ деб юритилади) тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиб келмоқда. Ушбу қонун қабул қилингунига қадар «тезкор-қидирув тадбирлари» идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (буйруқлар, йўриқномалар, қўлланмалар)² асосида тартибга солинган³ бўлиб, фақатгина, ТҚТни амалга ошириш бўйича муайян умумий қоидалар Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) билан белгиланган эди⁴. Қонун фуқароларга биринчи маротаба тезкор-қидирув тадбирларининг турлари, уларни ўтказиш асослари ва шартлари, шу жумладан уларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ҳолатлар билан танишиш имконини берди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5005-сон Фармони // Электрон манба: URL: <https://lex.uz/docs/3159827> (мурожаат вақти: 15.07.2020).

² Каримов В.Г. Тезкор-қидирув қонунчилигини ривожлантиришнинг айрим масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2018. – № 1 (33) – Б. 25.

³ Оганесян А.Р. К вопросу о законодательном определении понятия оперативно-розыскной деятельности в законе республики армения «об оперативно-розыскной деятельности» / Актуальные проблемы российского права. – 2009. – № 3. – С. 552.

⁴ Кулькова Е.В. Правовое регулирование оперативно-розыскного обеспечения расследования преступлений // Бизнес в законе. – 2012. – № 6. – С. 35-38.

Қонунда «тезкор-қидирув фаолияти» тушунчаси қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари (бундан буён матнда ТҚТ деб юритилади) ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият эканлиги кўрсатилган бўлиб, унга кўра ТҚФ қонунда келтирилган ТҚТ орқали амалга оширилиши тушунилади. Ушбу тушунчадан ТҚТ ТҚФнинг энг муҳим таркибий қисми⁵ эканлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, ТҚТ муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, ТҚФнинг энг асосий институти ҳисобланади. Бироқ, шунга қарамай қонун чиқарувчи томонидан қонунда «тезкор-қидирув тадбири» тушунчаси ва мазмуни ёритилмаган.

Бу эса, фикримизча ТҚТни ўтказишда қонунийликни ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлашга салбий таъсир этиши мумкин⁶. Шу билан бирга қонунда тезкор-қидирув тадбирининг тушунчаси берилмаганлиги ҳозирга қадар соҳа олимлар ўртасида турли хил қарашлар пайдо бўлишига, амалиёт ходимлари ўртасида эса уни нотўғри талқин этилишига олиб келмоқда. Натижада, шу кунга қадар соҳа мутахассислари орасида ТҚТнинг мазмун-моҳияти, тушунчаси, асосий белгилари ва тузилишини аниқлаштириш хусусида бир тўхтамаган⁷.

Соҳа олимлари ўртасида тезкор-қидирув тадбири тушунчаси билан боғлиқ турлича фикрлар мавжуд. Жумладан, О.В. Фирсов тезкор-қидирув тадбири тўғрисида фикр билдириб, унга қуйидагича таъриф берган: «Тезкор-қидирув тадбири – бу қонунлар ва қонуности норматив ҳужжатларда белгиланган асослар ва тартибда ваколатли шахслар томонидан ТҚФни амалга оширишнинг аниқ шакли»⁸. Мазкур фикрга кўшилиш қийин, чунки, келтирилган таърифда тезкор-қидирув тадбирининг «ТҚФ вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни бевосита аниқлаш, олиш ва улардан фойдаланиш»га қаратилган ўзига хос белгиси назардан четда қолган.

К.К. Горяинов ва бошқа муаллифлар «ТҚТ - бу ТҚФ тўғрисидаги қонунда белгиланган ТҚФ вазифаларини ҳал этишга қаратилган ошкора ва ноошкора кучлар, воситалар ва усуллар қўлланиладиган ҳаракат ёки ҳаракатлар мажмуи»⁹ деб таъриф берадилар. Ушбу таърифда тезкор-қидирув тадбирининг «норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга ошириш ва зарур бўлган фактик маълумотларни бевосита аниқлаш, олиш ва улардан фойдаланиш» билан боғлиқ ўзига хос белгилари эътиборга олинмаган.

О.А. Вагин ва А.П. Исиченколар эса, тезкор-қидирув тадбири деганда «ТҚФ тўғрисидаги қонунда белгиланган ТҚФ вазифаларини ҳал этишга қаратилган ошкора ва ноошкора кучлар, воситалар ва усуллар қўлланиладиган ҳаракат ёки

⁵ Захарцев С.И. Теория и правовая регламентация оперативно-розыскных мероприятий: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Санкт-Петербург. – 2004. – С. 20.

⁶ Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2019. – № 3. – Б. 16.

⁷ Ўша манба 18-б.

⁸ Фирсов О.В. Правовые основы оперативно-розыскных мероприятий: учеб. пособие. – М.: Норма: ИНФРА-М., 2011. – С. 168.

⁹ Горяинов К.К. Теория оперативно-розыскной деятельности: учебник / под ред. К.К. Горяинова, В.С. Овчинского, Г.К. Синилова. – М., 2010. – С. 281.

ҳаракатлар мажмуи»¹⁰ дея фикр билдиришган. Бу таърифда ҳам «*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилиши ҳамда зарур бўлган фактик маълумотларни бевосита аниқлаш, олиш ва улардан фойдаланишга қаратилган*» ўзига хос белгилари ёритилмаган.

А.Ю. Шумилов эса тезкор-қидирув тадбирини қуйидагича изоҳлайди: «ТҚФ тўғрисидаги қонунга биноан, тезкор-қидирув фаолиятини бевосита амалга оширувчи субъект (тезкор ходим, қўмаклашувчи шахс ва бошқ.)нинг мақсадларига эришиш ва ТҚФ вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни олишга қаратилган излов ҳаракати»¹¹. Бизнинг фикримизча ушбу таъриф ҳам тўлиқ эмас. Чунки муаллиф тезкор-қидирув тадбирининг мақсадини ТҚФ вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган «*ахборотни олиш*» сифатида берган. Фикримизча мақсад ТҚФ тўғрисидаги қонунда белгиланган вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган «*ахборотни аниқлаш, олиш ва ундан фойдаланиш*» бўлиши керак. Шу билан бирга таъриф ТҚТнинг барча белгиларини қамраб олмаган. ТҚТни ТҚФнинг бошқа йўналишларидан фарқловчи белгиларидан бири «*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилиши*»дир. Юқоридаги таърифда эса бундай белги мавжуд эмас.

Фикримизча, ҳуқуқшунос олимлар А.А. Хамдамов, Т.Р. Саитбаев, В.Г. Каримов ва А.Е. Чечетинларнинг тезкор-қидирув тадбири юзасидан берган таърифлари бошқа олимларникига нисбатан мазмунан бой ҳисобланади. Жумладан, А.А. Хамдамов ва Т.Р. Саитбаевлар «ТҚТ – ТҚФ тўғрисидаги қонунда мустаҳкамланган разведик излов хусусиятига эга бўлган, ваколатли субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига мувофиқ ўтказиладиган ҳамда асосан ноошкора восита ва усулларни ошкора восита ва усуллар билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга асосланган ҳамда ТҚФ масалаларини ҳал қилиш учун зарур фактик маълумотларни бевосита аниқлашга қаратилган чора ва ҳаракатлар тизими»¹² деб таъриф берган.

В.Г. Каримов «ТҚТ – ТҚФнинг таркибий қисми бўлиб, ваколатли субъектлар томонидан қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ошкора ва ноошкора усул ва воситалар уйғунлигида ўтказиладиган, ТҚФнинг вазифаларини бажаришга йўналтирилган ўзаро муштарак тадбирлар мажмуидир»¹³ деб изоҳлаган.

А.Е. Чечетин эса, «ТҚТ – бу ТҚФ тўғрисидаги қонун билан белгиланган ваколатли субъектлар томонидан норматив ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ТҚФ вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган фактларни бевосита аниқлаш ва улардан фойдаланишга қаратилган, ошкора восита ва усуллар билан

¹⁰ Қаранг: Ўша манба – С. 281.

¹¹ Шумилов А.Ю. Курс основ оперативно-розыскной деятельности: Учебник для вузов / А.Ю. Шумилов. 3-е изд., доп. и перер. – М, 2008. – С. 183.

¹² Хамдамов А.А. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 68.

¹³ Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2019. – № 3. – Б. 19.

бирга асосан ношкора восита ва усуллардан фойдаланиб ўтказиладиган ҳаракатлар»¹⁴ деб таъриф берган.

Биз юқорида келтирилган олимларнинг тезкор-қидирув тадбирига берган таърифларини таҳлил қилиш орқали тушунчаларни ёритишда тезкор-қидирув тадбирининг айрим белгиларини эътибордан четда қолдирганликларини гувоҳи бўлдик. Фикримизча мазкур таърифлар тезкор-қидирув тадбирининг моҳиятини тўлиқ тушунишга ва уни очиб беришга имкон бермайди.¹⁵ «Тезкор-қидирув тадбири» тушунчасига таъриф беришда, эътиборни ТҚТнинг белгиларига қаратишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Олимларнинг ТҚТ белгиларига доир бир қатор қарашлари бор. Жумладан, А.Е. Чечетиннинг фикрига кўра, ТҚТнинг белгилари қуйидагилардан иборат: ТҚТнинг қонун билан мустаҳкамланганлиги; ТҚТни фақат ваколатли субъектлар томонидан ўтказиш имконияти; ТҚТ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга қатъий мувофиқ амалга оширилиши; ТҚТ асосан ношкора восита ва усулларни ошкора воситалар ва усуллар билан биргаликда қўлланилиши; ТҚТнинг мақсади ТҚФ вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган ҳақиқий маълумотларни бевосита аниқлаш ва улардан фойдаланишга қаратилганлиги¹⁶.

А.Е. Чечетин томонидан билдирилган фикрларга қўшилган ҳолда ТҚТнинг белгилари ҳақидаги қарашларини тўғри дейиш мумкин. Бироқ шунга қарамай улар тўлиқ эмас. Чунки, ТҚТга хос бўлган, яъни *ТҚТ ТҚФнинг таркибий қисми ҳисобланиши* ҳамда *норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилиши* билан боғлиқ белгилари унинг эътиборидан четда қолган. Ушбу белгилар ТҚТга таъриф беришда эътиборга олиниши керак.

С.И. Захарцев ТҚТ белгиларига қуйидагиларни киритган: ТҚТ ТҚФнинг ажралмас қисми ҳисобланиши; ТҚТ давлат органларининг фаолиятини назарда тутиши; ТҚТ бевосита ТҚФ тўғрисидаги қонунда кўрсатилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан ўтказилиши; ТҚТ тўғридан-тўғри ТҚФ вазифаларини ҳал этишга қаратилиши; ТҚТ ТҚФ тўғрисидаги қонунда аниқ кўрсатилган асослар ва шартлар мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши; ТҚТни ташкил этиш ва тактикаси давлат сири ҳисобланиши; ТҚТнинг мақсади манавий-ахлоқий талабларига жавоб бериши¹⁷.

С.И. Захарцевнинг айрим фикрларига қўшилиш қийин. Масалан, *ТҚТ давлат органларининг фаолиятини назарда тутиши* кераклиги билан боғлиқ фикри фақатгина ТҚТга хос бўлган белги эмас. Чунки, давлат органларининг ТҚТ билан боғлиқ бўлмаган бошқа бир қатор фаолият турлари ҳам мавжуд. Шунингдек, *ТҚТнинг мақсади манавий-ахлоқий талабларига жавоб бериши* керак деган фикрига қўшилиш қийин. ТҚТни ўтказишдан мақсад ТҚФ

¹⁴ Чечетин А.Е. Актуальные проблемы теории оперативно-розыскных мероприятий: монография / – М.: Издат. дом Шумиловой И.И., 2006. – С. 21.

¹⁵ Рахимхўжаев, Р. Н., & Якубов, Х. Ш. (2024). ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛ. Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari, 8(2), 275-280.

¹⁶ Чечетин А.Е. Актуальные проблемы теории оперативно-розыскных мероприятий: монография / –М.: Издат. дом Шумиловой И.И., 2006. – С. 20-21.

¹⁷ Захарцев С.И. Оперативно-розыскные мероприятия / Изд-во Р. Асланова «Юридический центр Пресс», 2004 – С. 21-24.

вазифаларини ҳал этиш ҳисобланади. ТҚФ вазифалари эса биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бундан кўришиб турибдики, *ТҚТ тўғридан-тўғри ТҚФ вазифаларини ҳал этишга қаратилганлиги* билан боғлиқ белгиси, *ТҚТнинг мақсади манавий-ахлоқий талабларига жавоб бериши* кераклигини ўз ичига қамраб олади. Шу билан бирга, *ТҚТни ташкил этиш ва тактикаси давлат сири ҳисобланиши* ҳақидаги фикри тўғри. Лекин, бу ҳам фақат ТҚТга хос бўлган белги эмас. Давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонунга кўра бошқа маълумотлар ҳам давлат сирларини ташкил этади. Шунинг учун ҳам уни ТҚТга хос бўлган белгилар қаторига киритишимиз ва ТҚТга таъриф беришда асосий эътиборни унга қаратишимиз шарт эмас.

В.Г. Каримов ТҚТнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритган: ТҚТ ТҚФнинг таркибий қисми ҳисобланиши; ТҚТнинг қонунда белгиланганлиги; ТҚТни ўтказишдан кўзланган мақсад ТҚФ вазифаларини бажариш эканлиги; ТҚТнинг фақат махсус ваколатга эга субъектлар томонидан амалга оширилиши; ТҚТнинг қонунда белгиланган асос ва шартларга биноан ўтказилиши; ТҚТнинг ошкора, ноошкора усул ва воситалар уйғунлигида ўтказилиши¹⁸. В.Г. Каримовнинг фикрига қўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкин. Олим томонидан ТҚТни ўтказишдан кўзланган мақсад ТҚФ вазифаларини бажариш эканлиги кўрсатиб ўтилган. Фикримизча ушбу қараш умумий бўлиб, уни аниқроқ баён этиш керак. Чунки, ТҚФнинг вазифалари жуда кенг қамровли. Шунинг учун уни ТҚФ вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни аниқлаш, олиш ва улардан фойдаланишга қаратилган бўлиши керак десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча, олимларнинг юқорида келтирилган таърифлари ва ТҚТнинг ўзига хос белгилари ҳақидаги қарашларини, шунингдек, тадқиқот натижалари ва амалий тажрибани таҳлил қилиш орқали ТҚТга хос белгилар қаторига қуйидагиларни киритиш лозим:

1. *ТҚТнинг қонун билан мустаҳкамланганлиги;*
2. *ТҚТ фақат ваколатли субъектлар томонидан ва уларнинг рухсати билан ўтказилиши;*
3. *ТҚТ қонунда белгиланган тартибда ўтказилиши;*
4. *ТҚТ ТҚФни амалга оширувчи органларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ўтказилиши;*
5. *ТҚТ асосан ошкора ва ноошкора усуллар ва воситаларни биргаликда қўллаш орқали ўтказилиши;*
6. *ТҚТни ўтказишдан мақсад – ТҚФ тўғрисидаги қонунда белгиланган ТҚФнинг вазифаларини ҳал этиш учун фактик маълумотлар ва бошқа ахборотларни аниқлаш, олиш ва улардан фойдаланишидир;*
7. *ТҚТни ўтказишда ахборот тизимлари, видео- ва аудиоёзув, кино- ва фотосуратга олиш воситалари, шунингдек инсоннинг ҳаёти ва соғлиги, юридик*

¹⁸ Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари / Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2019. – № 3. – Б. 19.

ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсиз бошқа техника воситалари қўлланилиши;

8. Тегишли мутахассисларнинг ТҚТда иштирок этиши.

Олимларнинг ТҚТларига берган тарифи ва унинг белгиларидан келиб чиқиб, шунингдек, Қонун ва тезкор-қидирув фаолияти назариясининг умумий талабларига асосланиб, ТҚТни қуйидагича шакллантириш мумкин: *тезкор-қидирув тадбири – бу тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунга мувофиқ ваколатли субъектлар томонидан қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини ҳал этиш мақсадида зарур бўлган фактик маълумотларни бевосита аниқлаш, олиш ва улардан фойдаланиш учун ошкора ва ноошкора куч, восита, усулларни қўллаб ўтказиладиган ҳаракатлар мажмуи».*

Хулоса қилиб айтганда, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунга тезкор-қидирув тадбири тушунчасини киритиш лозим. Тушунчани ишлаб чиқишда юқорида келтирилган белгиларни ҳисобга олиш керак. Белгиларни ҳисобга олмаслик тезкор-қидирув тадбири тушунчасини нотўғри шакллантиришга, бу эса ўз навбатида амалиёт ходимлари томонидан тадбирларни ўтказишда айрим тушунмовчиликларга олиб келишга сабаб бўлади.